O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 26-iyun, shanba ● № 26 (677) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ҚАЛБИ БУТУН ИНСОНЛАР

Қонунларимизда, азалий қадриятларимизда ногиронларга бўлган муносабат олий даражага кўтарилган экан, жамиятимизда ҳам, албатта, бунга ҳамоҳанг қарашлар шаклланади.

⇨ 2-бет

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Миллий ўйинлар болаларда мияни тез ишлашга, нутқни ўстиришга, теран фикрлашга ва айрим болалардаги рангларни ажрата олмаслик каби касалликни йўқотишга ёрдам беради.

⇨ 7-бет

САНЪАТКОРНИНГ ҚАЛБ ЧИРОҒИ

Халқимиз ниҳоятда зукко, санъатсевар. Тинглаётган қўшиқларининг қадр-қимматини яхши англайди. Улар орасида иқтидор эгалари кўп. Мен ҳамиша санъаткорларимизнинг ўзга халқларининг қўшиқларини маромида ижро этишига қойил қоламан.

⇨ 8-бет

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги қутлуғ айём — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол — 1914 йили "Садои Фарғона" газетасининг илк сонида чоп этилган "Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган саъй-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир" деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқболи учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун куйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асрашавайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айни муддао бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиплардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш – бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин — бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими — журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатингизни халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Ҳурматли ва азиз дўстлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш баробарида масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан жамият олдидаги маънавий-ижтимоий бурчини янада теранроқ ҳис этишни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни, фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишни, воқеликка чуқур таҳлилий ёндашувни талаб этади.

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир карра ўз исботини топмоқда.

Халқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига холис, ҳаққоний ва тезкор етказишда, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равнақ топтириш, унинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган турли анжуманлар ва ижодий учрашувларда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишлаб 25 июнь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, нашриёт матбаа-ижод уйларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

«Йилнинг энг фаол журналисти – 2009»

танлови ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Фаррух АЗИМОВ, «Ҳуқуқ оламида» газетаси муҳаррири (Наманган вилояти) — хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экологик муаммоларга бағишланган материаллари учун

Ашурали ЖЎРАЕВ, «Гулхан» журнали бош муҳаррири — маънавий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун

Муаззамхон ИБРАГИМОВА, Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Дийдор» радиоси муҳаррири — аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган туркум эшиттиришлари учун

Анна ИВАНОВА, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири — юртимизда юз бераётган ички сиёсий воқеалар ва халқаро кўламдаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим тадбирларни интернет нашрларда тезкорлик билан ёритгани учун

Дилдора МАРДИЕВА, «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига ҳамда юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ижодий ишлари учун

Собир НАРЗИЕВ, «Қашқадарё» газетаси фотомухбири — вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ислоҳотларни кенг ёритган фоторепортажлари учун

2 »

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

Аёллар меҳнатига кафолат ва имтиёзлар

Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир.
Ислом КАРИМОВ

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Зеро, ҳар бир давлатнинг фаровон ва тўкин ҳаёт кечиришида, юксак тараққиётга эришишида хотин-қизларнинг мавқеи ва салоҳияти муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли ва ўрни сезиларли даражада ортди ва бу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида 1999 йил "Аёллар йили", 2001 йил "Она ва бола йили" деб эълон қилинди ва махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири — қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мустаҳкам кафолатлашдир. Бунда, айниқса, аёллар меҳнати соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояси алоҳида ўрин тутади.

3 »

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти – 2009» танлови ғолибларини эълон қилади:

(Бошланиши 1-бетда.)

Шерзод РЎЗИЕВ, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси — жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишидаги туркум кўрсатувлари учун

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» газетасининг бўлим муҳаррири — Республикамизда инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросига ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган туркум материаллари учун

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бўлим муҳаррири — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган материаллари учун

Ғолиб ҲАСАНОВ, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Самарқанд вилояти) — Ватан туйғуси, миллий мерос, ўзбек халқининг анъаналари ва қадриятларини сақлашга доир мақолалари учун

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, (Фарғона вилояти) — Риштон тумани ҳокимлигининг «Риштон ҳақиқати» газетаси муҳаррири

Нозима ВОҲИДОВА — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Истиқбол» студияси катта муҳаррири

Карахан ЖЎРАЕВ (Тошкент вилояти) — «Нурли жол» газетасининг жамоатчи мухбири

Басанда ЖАЛИЛОВА (Сурхондарё вилояти) — «Жамият» газетасининг ўз мухбири

Дамин ЖУМАҒУЛОВ — «Тафаккур» журналининг масъул котиби

Татьяна ЗОЛОТИЛОВА — «Маънавият» нашриёти техник муҳаррири

Бахтиёр РИЗАЕВ — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири

Азамат САФАРОВ (Хоразм вилояти) — ЎзМТРК «Ахборот» бош муҳарририяти мухбири

Ферузахон СИДДИҚОВА (Андижон вилояти) — вилоят телерадиокомпаниясининг радиоэшиттиришлар муҳаррири

Пардабой ТОЖИБОЕВ (Жиззах вилояти) — «Миллий тикланиш» газетасининг ўз мухбири

Севара ТОШМУҚУМОВА (Сирдарё вилояти) — «Шифо-инфо» газетасининг махсус мухбири

Учқун ТУРСУНОВ (Бухоро вилояти) — «Коинот» нодавлат телевидениеси журналисти

Шарап УСНАТДИНОВ (Қорақалпоғистон Республикаси) — Маънавият тарғибот маркази раҳбари

Гулнора ЎРАЛОВА (Навоий вилояти) — вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири

Наргис ҚОСИМОВА — «Учитель Узбекистана» газетаси шарҳловчиси (интернет-журналистика)

Миллий матбуот равнақига эътибор

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва малакасини юксалтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг юртимизда кечаётган ислоҳотлар ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаол, ишончли тарзда ёритиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий 2010 йилда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби миллий матбуот соҳасига дадил кириб келаётган истеъдод соҳибларини кашф этиш, ўз сўзи ва овозига эга бўлган иқтидорли ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ШУКУҲ

ЭРКИН СЎЗ САОДАТИ

Мана, неча йилдан буён ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови нафақат журналистлар ҳаёти, балки юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Энг қувонарлиси, бу йилги танлов ғолиблари орасида кўплаб ёш, истеъдодли журналистлар борлиги ижод аҳлини чинакамига қувонтирди. Биз тадбир сўнггида совриндорларнинг айримлари билан суҳбатлашдик:

Дамин Жумақулов, "Тафаккур" журнали масъул котиби:

– Аслида маънавият инсон онгли турмуш бошлаганидан бери яшаб келаётган ҳодиса бўлса-да, бу тушунчанинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, мавқеи Ўзбекистонда истиқлол йилларида барқарор бўлди. Тафаккур, дунёқараш, онг ва шуур буткул ўзгарди.

Камина ҳам миллий маънавиятимиз, адабиёт ва санъатимизнинг қалбимни тўлқинлантирган, лол қолдирган, гоҳо ташвишлантирган жиҳатлари, тажрибалари, намуналари ҳақида ўй-мушоҳада ҳамда мулоҳазаларни қоғозга тушириб юраман. Ана шу ижодий ишларим бугун ўз қадрини топганидан бағоят мамнунман. Мана шу бахт сурури ҳамкасбларимга ҳам насиб этсин.

Муаззам Ибрагимова, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига қарашли "Дийдор" радиостанцияси муҳаррири:

– Юртимиздаги муҳташам Ўзбек Миллий академик театрида ўтказилган байрам тадбирида муҳтарам Президентимизнинг матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган байрам табрикларини чуқур ҳаяжон ва катта мамнуният билан тингладим. Журналистларга кўрсатилаётган бундай эътибор фаолиятимиз, имконият ва салоҳиятимизни оширишга, касбимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Бу йилги совриндорлар сафида нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам борлиги бизни бениҳоя хурсанд этди. Бундай юксак ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

Дилмурод Қирғизбоев, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бўлим муҳаррири:

– "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига айнан, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, шунингдек, халқимизнинг ўзига хос миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирувчи ижодий ишларимни тақдим этган эдим. Ғолиблар сафида эканим зиммамга катта масъулият юклайди. Келгусида ҳам Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кузатувчиси эмас, балки иштирокчиси эканимни ҳис этган ҳолда янаям завқ-шавқ билан ижод қилишга, муштарийларга манзур бўладиган мақолалар ёзишга ҳаракат қиламан.

Шерзод Рўзиев, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси:

– Мамлакатимизда ҳар соҳада ижод қилаётган ёшларга яратилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган юксак эътибордан қанча қувонсак, арзийди. Айниқса, «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танлови журналистларни касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундай нуфузли кўрик-танловлар журналистларни тўғри сўздан чўчимайдиган, ҳақиқат учун ҳаловатидан кечадиган, юртимизда кечаётган ижобий ўзгаришларни холис баҳолай оладиган қалам соҳиби бўлишга ундайди. Бунинг учун Юртбошимизга ва танловнинг барча ташкилотчиларига, устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳа, бу ҳаяжонли дил истакларига қўшимча қилиб яна нима дейиш мумкин. Қаламингиз янада ўткир, шарафли байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Адиба УМИРОВА

СЕМИНАР

ҚАЛБИ БУТУН ИНСОНЛАР

Яқинда "Grand Mir" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Ногиронлик муаммолари ва уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш» мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Унда республикамизнинг турли оммавий ахборот воситаларидан 22 нафар журналист иштирок этди. Семинарда ногиронлар билан мулоқот жараёнида эсда тутилиши лозим бўлган ахлоқий меъёрлар, ногиронлик борасида жамиятда мавжуд бўлган ўхшашликлар, ногирон кишиларни ижтимоий муҳофаза қилишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Маълумки, БМТ Тараққиёт дастури 2008 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда «ACCESS» лойиҳаси доирасида ногирон инсонларни ижтимоий ҳаётга интеграциялаш ва иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ўтган вақт мобайнида тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда доимий семинарлар ўтказилди. Мазкур семинарларда иштирок этганларнинг умумий сони мингдан ортди. Шунингдек, "ACCESS» лойиҳаси орқали ногиронларнинг турмушдаги ижтимоий тўсиқларни енгиб ўтишларига кўмаклашиш мақсадида 30 мингдан ортиқ плакат, 4 та анимацион фильм ҳамда 4 та видеороликлар тайёрланиб, тарқатилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, ногирон одатдаги меҳнат шароитларига эга тартибда меҳнат фаолияти ёки қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шу нуқтаи назардан ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури "ACCESS» лойиҳаси орқали Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида 6 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасини ўтказиб, 130 дан ортиқ киши иш билан таъминланишига кўмаклашди. Ногиронлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ташкилотларда, ихтисослаштирилган корхоналарда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган цех ва участкаларда ишлаш, шунингдек, якка тартибда ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларнинг ривожлантириш мақсадида умумий миқдори 90 минг АҚШ долларига тенг грантлар ажратилди. Бундан ташқари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Германияда ишлаб чиқарилган матнни овозга ўгириш «JAWS» дастури ҳамда ногиронларнинг имкониятларини енгиллаштиришга хизмат қилувчи «SARA», «TOPAZ» аппаратлари бепул тарқатилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига кўра, «Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, турар жой ҳудудларини шакллантириш, янги қурилиш, бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуалари учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш, шунингдек, транспорт воситаларини, умумий фойдаланиладиган алоқа ва ахборот воситаларини, кўрсатиб ўтилган объектларни, уларга ногиронларнинг кира олиши ва улардан фойдалана олишлари учун мослаштирмасдан ишлаб чиқарилишга йўл қўйилмайди,» дейилади. Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзида барча қулайликларни жамлаган мазкур биноларда имконияти чекланганлар учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, аравачада чиқиш ва тушиш лифтлари, ювиниш ва умумий овқатланиш хоналарида махсус жойлар барпо этилган.

— Аввал қурилган баланд қаватли турар жойларда ногиронларнинг кириб-чиқишлари учун имкониятлар йўқлиги боис кўп қийинчиликларга дуч келар эдим. Ҳатто лифтнинг ишламагани сабабли акам 6-қаватга кўтариб чиқар эди, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Зуҳра Жўраева. — Ҳозир янги бинога кўчиб ўтдик. Бу жойда барча қулайликлар мавжуд. Бировнинг ёрдамига умуман муҳтожлик сезмайман.

Жамиятга, одамларга ёрдам бериш чин инсоний фазилатлардан биридир. Ногиронларни ҳам бошқалар ҳожатини чиқарадиган ишларга жалб этиш олижаноблик ҳисобланади. Семинарда мазкур масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ҳар бир иштирокчига бир зум ўзини ногирон ўрнида ҳис этиш имкони берилди.

— Илгари менинг ногиронлик ҳақидаги тасаввурларим ўта бир ёқлама экан. Ўқув семинар муаммога бошқа томондан қараш ва ўзимни ногирон инсон ўрнига қўйиб кўришга ундади. Улар ҳақида фикрларим кескин ўзгарди. Демак,каттакичик идоралар раҳбарларининг ва у ерда ишловчиларнинг ногиронлик масалалари бўйича хабардорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб бориш ва ногирон инсонларга ўз имкониятларини юзага чиқаришда, кўпгина ҳолларда уларга ўзларининг қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиши йўлида учраётган тўсиқлар билан курашиш керак,» — дейди семинар иштирокчиси Замира Холбоева.

Ногирон инсон ҳам тўрт мучаси соғ одамлар каби эҳтиёжларга эга шахс. Аммо баъзида имкониятлари эҳтиёжларини қондиришга йўл қўймайди. Мана шундай пайтда уларга ёрдам қўлини чўзиш бизнинг инсоний бурчимиздир. Уларга ачиниш ёки беписандлик ҳисси билан эмас, имконияти чекланган, лекин қалби бутун инсонга қарагандек қарашимизнинг ўзиёқ улар кўнглини тоғдек кўтаради. Қонунларимизда, азалий қадриятларимизда уларга бўлган муносабат олий даражага кўтарилган экан, жамиятимизда ҳам албатта, бунга ҳамоҳанг қарашлар шаклланади.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Пойтахтимизда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ташаббуси билан "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш — кучли фуқаролик жамияти изчил шаклланишининг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши аъзолари, ОАВ вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбати ОАВ фаолиятига бозор механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мавзусига бағишланди.

Тадбирда сўз олган ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Б.Ёқубов, мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси бошқарув раиси Ф.Абдуҳолиқов, "XXI asr" ижтимоий сиёсий газетаси бош муҳаррири М.Абдураҳмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, ахборот тизимида мавжуд вазият юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди, уни янада ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари хусусида таклифларини баён қилди.

Лола ҚЎЗИБОЕВА

ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК!

Юртбошимиз Ислом Каримов мамлакатимизнинг қайси ҳудудига ташриф буюрса, халқимизнинг яшаш шароити, турмуш тарзи билан қизиқиб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан муҳим кўрсатмалар беради. Қишлоқ жойларида ҳамма имкониятларга эга бўлган шинам турар жойлар қуриш борасидаги йўл-йўриқлари Жиззах вилоятида ҳам изчиллик билан амалга оширилаётгани қувончлидир. Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах туманларида бунёд этилаётган бундай турар жойларга кўчиб кираётган фуқаролар кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун.

—Бу ерда бахтли ҳаёт кечириш учун ҳамма шароит бор, — дейди Ғаллаорол туманидаги Сарбозор қўрғонида қурилган ана шундай уйга кўчиб келган Дилбар Сарибоева. — Энди бизнинг вазифамиз уйимизни тоза ва озода тутиш, томорқа хўжалигига оилага зарур бўладиган мевали дарахт, сабзавотлар экишдир. Электр энергияси, табиий газ ва бошқа қулайликларга эга бўлган бу уйлар Истиқлол неъматидир.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

РЕЖА УДДАЛАНДИ

Самарқандлик "кумуш тола" ижодкорлари 2650 тоннадан ортиқ пилла хомашёси етиштириб, ўз олдиларига қўйган режани 104 фоизга бажардилар. Бундай юксак маррани забт этишда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби зарурий дастуриламал бўлди. Хусусан, вилоят туманларида фаолият кўрсатаётган пиллачилик корхоналари билан 5161 та фермер хўжаликлари ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, жорий йилда вилоят бўйича 2645 тонна маҳсулот етиштириш учун 53 минг қути ипак қурти парваришланди. Мутахассислар томонидан 1039 нафар ипак қурти уруғини тайёрловчи, пиллачилик билан шуғулланувчи 274 агроном, 2076 нафар пиллачилик бригадирлари учун ўқув семинарлари ўтказилди.

Ипак қуртини тарқатиш даврида ҳар қути ипак қуртини тайёр хомашё ҳолига келтириш учун 30 минг сўмдан, жами 1 миллиард 600 миллион сўм бўнак (аванс) пули олдиндан фермер хўжаликлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ҳукуматимизнинг пиллачилик соҳасига берган эътибори ҳамда ишлаб чиқилган тадбирлар ўз самарасини берди. Вилоятда пилла тайёрлаш режаси ортиғи билан уддаланиб, ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга сотилди.

Вилоятда тайёрланган пилла ҳосилининг асосий қисми Сингапур-Самарқанд қўшма корхонасида қайта ишланиб, ипак ҳолида экспорт қилинмоқда.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

ФЕРМЕРНИНГ АЖОЙИБ ИХТИРОСИ

Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Муллавали қишлоғида яшовчи фермер Раҳимжон Ҳалимов узоқ йиллар давомида автобус ҳайдовчиси бўлган. Ҳозирда, асосан, пахтачилик йўналишидаги фермер хўжалигини бошқараётган бу тиниб-тинчимас инсон ўтган йилнинг бошларида ғўза парваришн даврида ўтказиладиган бир қатор агротехник амалларни бирваракайига бажарадиган мослама ихтиро қилганди. Ундан унумли фойдаланган мазкур фермер хўжалиги гектар бошига 40 центнердан юқори сифатли пахта ҳосилини йиғиштириб олганди. Бу, ундан олдинги йил кўрсаткичига нисбатан қарийб 8 центнердан кўпроқ дегани. Шунингдек, 7 миллион сўмлик маблағ ҳам тежаб қолинди.

Ўтган йили беш хил, эндиликда эса тракторга тиркаб қўйилганда саккиз хил агротехник тадбирни бира тўла бажара оладиган мосламани эски-туски эҳтиёт қисмлардан тайёрлаш учун Раҳимжон Ҳалимов атиги 100 минг сўм атрофида маблағ сарфлади.

Бир йўла ғўза қатор ораларини юмшатувчи ва ниҳолларни комплекс парваришлаб борувчи бу ғаройиб мослама бугун водийнинг кўплаб пахтакор фермерларини қизиқтириб қолди.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири

АЁЛЛАР МЕҲНАТИГА КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу сабабдан, мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг айнан шу йўналишдаги нуфузли ҳужжатларига ва бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилган ҳамда бу ҳужжатлар ўз навбатида, ратификация қилинмоқда. “Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишларни бартараф этиш тўғрисида”ги ва “Тенг қийматдаги меҳнат учун эркак ва хотин-қизларни тенг тақдирлаш тўғрисида”ги Конвенциялар шулар жумласидан. Давлат барча фуқароларнинг меҳнат қилиш ва машғулотни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ва мансаб мавқеи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик сифатлари ва меҳнати натижалари билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар, тенг имкониятларга эга бўлишларини таъминлайди.

Асосий қонун ҳисобланмиш Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги белгиланган бўлса-да, айрим соҳаларда, айниқса, меҳнат қилиш соҳасида эркакларга нисбатан аёлларга устувор ҳуқуқлар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонуни мамлакатимиз хотин-қизларига янги имкониятлар белгилаб берди.

Аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоида ва тамойиллар нафақат Конституцияда, балки деярли барча ҳуқуқ соҳаларида мустаҳкамланган ва муҳофаза этилганини эътироф этишимиз лозим. Жумладан, аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV бобида (224–237-моддалар) ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳомиладор ва болали аёлларни ишга қабул қилиш, айрим ишларга аёллар меҳнатини қўллашни тақиқлаш, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга аёлларни жалб этиш ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш, аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш, йиллик таътил бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар, ҳомиладор ва болали аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар шулар жумласидандир.

Меҳнат кодекси меҳнатга оид муносабатларда хотин-қизларнинг камситилишини тақиқлайди. Жумладан, ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган болали аёлни, унинг ҳомиладорлиги ёки болали бўлгани учун ишга қабул қилишдан бўйин товлаш ноқонуний деб топилади. Бунинг устига ишга қабул қилишдан бундай бўйин товлаш раҳбарнинг маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши учун асос бўлиши мумкин.

Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган ёш болали аёлларга берилган кафолатлардан яна бири уларни ишга олишда уларга нисбатан дастлабки синов муддатининг белгиланмаслигидир.

Қонун талабига кўра, ҳомиладор ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлга оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи (маъмурият) тиббий хулоса асосида тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.

Шунингдек, қонунларимизда уч ёшга тўлмаган боласи бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгилаб берилган. Бундай тоифадаги аёллар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар кунги тўлиқ иш муддати миқдорида амалга оширилади. Қонунларимизда бундай қоидаларнинг мавжудлиги аёлларимиз меҳнатини енгиллаштиради ва уларнинг меҳнат шароитини яхшилашга хизмат қилади.

Меҳнат қонунчилигида аёлларга меҳнат таътили олиш бўйича ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Хусусан, ҳомиладор ва бола туққан аёлларга йиллик таътил, уларнинг хоҳишига кўра, тегишли ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилиши мумкин. Шунингдек, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан (ҳақ тўланадиган) қўшимча таътил берилади.

Шу билан бирга, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан (иш ҳақи сақланмаган ҳолда) таътил берилиши, бундай таътил йиллик таътилга қўшилиши ёки ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

Қонунда ишлаётган аёлларга туққунига қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиши, бундай ҳолларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланиши белгиланган. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Меҳнат қонунчилигида, аёлларнинг болаларини овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳам мавжуд. Жумладан, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффуслардан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилиб, бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилиши ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланиши лозим.

Ҳомиладор ёки ёш болали аёлларни ишдан бўшатиш масаласида ҳам қонун муайян меъёрлар белгилайди. Унга мувофиқ, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган ёш болали аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Башарти, меҳнат шартномасини бекор қилиш корхонанинг бутунлай тугатилиши билан боғлиқ бўлса, ҳомиладор ва болали аёлларни албатта бошқа ишга жойлаштириш шарти билан меҳнат шартномаси бекор қилинади. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Шуни айтиш лозимки, миллий қонунчилигимизда аёлларга нисбатан меҳнат қилиш соҳасида бир қатор ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзлар белгиланган яққол кўриниб турибди. Иккинчидан, давлатнинг аёллар хусусида ғамхўрлиги ва мурувватини ифода этилмоқда. Учинчидан эса, бунда жамиятнинг одиллиги ва муайян ҳуқуқий маданият даражаси намоён бўлмоқда.

Шерзод РАБИЕВ,
Адлия вазирлиги идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

ТАДБИР

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган ва ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони

Унга бағишлаб ўтказилган тантанали кечада ЎзМТДП Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, ЎзМТДП марказий кенгаши ижроия қўмитаси девони ходимлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари фаоллари, партия «Аёллар қаноти» етакчилари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, ҳунармандлар, ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш масаласига катта эътибор берилаётгани, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинаётгани ва бу борада Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ҳам бир қатор ишлар — маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилаётгани, хусусан, бу галги кўрик-танлов ана шу эзгу ишлардан бири эканини таъкидлади.

Барча саралаш босқичларидан ўтиб, республика босқичига етиб келган 14 нафар хотин-қизнинг учта шарт бўйича қизғин баҳси асосида кечган кўрик-танлов уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини кўрсатди. Танлов иштирокчилари “Ўзини таништириш маҳорати” шартида хатти-ҳаракатлари ва берган маълумоти орқали ўзининг кимлигини (портретини) тўлақонли ифодалаб беришга интилди. “Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш муаммоси” йўналишида эса иштирокчилар асосий диққат-эътиборни халқимизнинг миллий қадриятларини йўқотишга қаратилган маънавий таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўлларини ўзида акс эттирган саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

“Агар мен депутат бўлсам” шартида иштирокчилар асосий эътиборни бўлажак депутат сифатида ўз лойиҳаси ва режаларини ҳимоя қилишга қаратди.

Кўрик-танловда Наманган вилояти вакиласи Нозима Рўзиматова биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси вакилаларига насиб этди. Голиб ва совриндорлар партиянинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлиқ ва дипломлари билан тақдирланди.

Севара КАРИМОВА

ТАБИАТ ВА БИЗ

Ҳовузлардаги хонбалиқлар...

Ҳар гал Бахмал тумани “Сангзор” хўжалиги ҳудудидаги балиқчилик хўжалигининг сувсиз ҳовузларига кўзим тушганида, ўтган асрнинг 80-йиллари хотирамда гавдаланади. Ўшанда бу ерда форел — хонбалиқ етиштирилиб, катта-катта шаҳарлардаги ресторанларга жўнатилар эди. Ҳатто давлат арбоблари орасида ҳам Бахмал хонбалиғининг орзумандлари жуда кўп эди. Чунки бу ноёб балиқлар шишадай тиниқ, Ойқортоғнинг бағридан қайнаб чиққан булоқларнинг чашмаларида етиштириларди-да.



Бахмал қишлоқ шифохонаси бош врачи Тошпўлат Бекмуродов билан суҳбатлашиб қолганимда у: “Бу балиқлар экологик тоза. Агар сувда сузиб юрганини томоша қилсангиз, кўз равшанлашади. Гўшти таркибидаги инсон саломатлиги учун ғоят зарур унсурларни-ку, айтмай қўя қолай”, — деганди бир сафар.

Аммо кейинчалик турли сабабларга кўра балиқчилик хўжаликлари иши тўхтаб қолди. Албатта, бу анча йиллар наридаги гаплар. Лекин ҳақли савол туғилади: энди — Истиқлол туфайли барча соҳалар тараққиётига кенг йўл очилаётган бугунги кунда, хонбалиқ етиштириш ҳам йўлга қўйилса бўлмайдими? Қаловини топса, қор ҳам ёнади, дейишади-ку, ахир! Сув бор, ҳовузлар ва озуқа цехлари таъмирланиб балиқ келтирилса бас, муаммо ҳал бўлади...

Ўрни келганда, бу борада қилинаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Парҳезбоп, инсон саломатлиги учун зарур минералларга бой балиқ маҳсулотлари етиштиришга раҳбариятимиз раҳнамо бўлаётгани қувонарли. “Экосан” халқаро жамоат фондидан олинган қуйидаги маълумотлар масалани янада ойдинлаштиради. Биргина ўтган йили республикамиз сунъий кўлларида 9,3 минг тонна балиқ овланган. Балиқчилик хўжаликлари сони 256 тага етди. Жиззах вилоятининг Айдаркўл, Арнасой кўллари, Сирдарё вилояти “Сайхунобод” хўжалиги, Тошкент вилоятининг қатор туманларидаги сув ҳавзаларида балиқчилик ривожлантирилаётгани халқимизнинг балиқ маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишига асос яратади, деган умидни уйғотади.

Балиқ етиштиришга фермерлар ҳам бош қўшаётгани бу соҳанинг истиқболидан дарак бериб турибди. “Ташаббус-2010” кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичида Зомин туманида фаолият кўрсатаётган балиқчилик фермер хўжалиги ўз маҳсулотлари билан қатнашгани кўпчиликни қувонтирди.

— Биз ўтган йилдан янги соҳа — балиқ етиштиришга киришдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Умар Йўлаҳшиев. — Тошкент вилоятининг балиқчилик хўжаликларидан тез етиладиган сазан балиғи чавоқларини келтириб, ҳовузда боқаяпмиз. Бу йил биринчи маҳсулот шартнома асосида буюртмачиларга берилади. Агар чавоқлар келтирилган пайтда ҳар бири ўртача 20 граммни кўрсатган бўлса, парваришимиз натижасида бугун уларнинг оғирлиги 300-400 граммга етди. Балиқларни қатъий талаблар асосида озуқлантириб, яратилган мўътадил шароитда боқаётганимиз муваффақиятлар гарови бўляпти. Келажакда маҳсулотни консервалаш, дудлаш орқали истеъмолчиларга етказиб беришга ҳозирлик кўряпмиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» очиқ акциядорлик тижорат банки

Принтерлар учун картриджлар ва тонерлар

Картридж HP 5200
Картридж HP 5000/5100
Картридж HP 1010/1018
Картридж HP 1000/1200
Тонер для HP 1010/1018
Тонер для Epson EPL 6200
Тонер для HP 5200
Тонер для HP 5000/5100

етказиб бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумот ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.
Тел.: 120-45-18, 233-91-45
Факс: 233-91-45.
Ички телефон: 31-33

Танлов таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 банк иш куни давомида соат 9:00 дан 17:00 гача қабул қилинади.

ТВ ҳақида янги китоблар

Кейинги йилларда ЎзМТРКнинг техник имкониятлари шунчалик ривожланиб кетдики, биз ҳар куни, ҳар соатда XX аср мўъжизаси ёрдамида жаҳоннинг қайсидир бурчагидаги янгилик, воқеа, ҳодисалардан хабардор бўла олаяпмиз. Мана шу нарсалар ниманинг эвазига, қандай қилиб бизга етиб келаётгани ҳақидаги маълумотлар таниқли тележурналист ва адабиётшунос олим Ўрол Ўтаевнинг яқиндагина нашрдан чиққан "Телевидение — давр кўзгуси" ҳамда "Зангори экран заргари" китобларида акс этган.



Ўзининг 40 йилдан кўпроқ умрини телевидение ривожига бағишлаган Ўрол Ўтаев бу мавзуда илгари ҳам "Телевидение ва тарбия", "Теледраматургия уфқлари" каби китобларини чоп эттирганди. Бу асарлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари учун қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда.

Умуман, телевидениенинг ривожланиши, у тақдим этаётган кўрсатувлар, қолаверса, бугунги қиёфаси шунчалар ранг-баранг-ки, у ҳақда нафақат қатор китоблар, балки бирон мақола ёзиш ҳам осон бўлмаслигини соҳа мутахассислари жуда яхши англашади. Юқорида қайд этилган асарлар билан танишар эканман, муаллиф мана шундай масъулиятли вазифани ўзининг назарий билимлари, кўп йиллик тажрибаси, энг муҳими, иқтидори ҳисобига муваффақиятли ўтаган, дейишга тўла ҳақлиман.

Муаллифнинг "Телевидение — давр кўзгуси" китобида кўп йиллик тажрибасига суяниб ёзган қуйидаги сатрларини ўқиймиз. "Телевидение пайдо бўлган пайтларда бу техника мўъжизаси шунчаки бўш вақтни хушнуд ўтказиш ва дам олишга хизмат қиладиган энг яхши воситалардан бири бўлади, дегувчилар кўпчилик эди. Лекин телевидение кутилганидан бошқачароқ бўлиб чиқди. Зеро, орзуларда яшаган "ойнаи жаҳон" бугунги кунда бутун дунё одамларини юзма-юз учраштирадиган, халқаро воқеаларни, мамлакатимизда юз бераётган ажойиб ўзгаришларни кўз ўнгимизда жонлантирадиган, кишиларга маънавий-эстетик завқ-шавқ берадиган муҳим восита, ҳаётимизнинг, ишимизнинг, ютуқларимиз ва камчиликларимизнинг кўзгусига айланди".

Телевидениеда ўз касбини севган ва унга содиқ, фидойи ижод аҳли бўлмаганида, эҳтимол у юқорида муаллиф таъкидлаганидек, "Вақтни хушнуд ўтказиш ва дам олишга хизмат қиладиган энг яхши воситалардан бири" бўлиб қолавериши ҳам мумкин эди.

"Телевидение давр кўзгуси" китоби "Ўзбекистон — телевидение ватани" сарлавҳаси остидаги бўлим билан бошланиб, беш саҳифалик матнда муаллиф жуда катта ҳажмдаги фактлар, кенг қамровли фикрлар ҳамда инсонлар ҳақида ҳикоя қилишга эришган. Асардаги "Убай Бурҳон сабоқлари", "Ёзувчилар ёзувчилар ҳақида", "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи", "Гирдобнинг иккинчи умри", "Телевизион театр: кеча, бугун, эртага", "Режиссёр маҳорати ва жасорати", "Кулгу тождори", "Бош режиссёр" каби сарлавҳалар остида берилган бўлимларда муаллиф нафақат ўзи кўрган, гувоҳи бўлган, иштирок этган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади, балки ўзининг шахсий фикрлари орқали унга муносабат билдиришни ҳам унутмаган.

80-йилларнинг ўрталарида ҳеч қайси ташкилот, меҳнат жамоаси юртимиз узра эсган нохуш шамоллардан четда қолгани йўқ. Шу жумладан, телевидение ҳам. Китобда ёзилишича, ўша пайтдаги катта раҳбарнинг мафкура бўйича котиби телевидениега келади ва унинг "Олтин фонди"дан жой олган телеспектакларни ўчириб ташлаш ҳақида буйруқ беради. Яна бир сафар шу шахснинг янги йил оқшомида берилиши учун тайёрланган махсус кўрсатувни Москвадан мутахассислар чақириб олдиндан кўриб олгач, қабул қилдиришга ҳаракати ва бу борада мақсадига эриша олмай доғда қолиши билан боғлиқ воқеалар жуда таъсирчан ва ишонарли ёзилган. Бундай сатрларни ўз танасида синаб кўрган ва бошидан ўтказган инсонгина битиши мумкин.

"Зангори экран заргари" китоби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Мақсуд Юнусов маҳоратига бағишланган. Ушбу асар билан танишар экансиз, оддий қишлоқ боласининг қандай қилиб санъат арбобига айланиб, Давлат мукофотига сазовор бўлгани ҳақида кўп маълумот оласиз. Бир сўз билан айтганда, муаллифнинг "Зангори экран заргари" асарини таниқли режиссёр Мақсуд Юнусов ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган жиддий адабий тадқиқот, дейиш мумкин.

Китоб муқаддимасида Ўзбекистон Фанлар Академияси академиклари Матёқуб Қўшжонов ва Бахтиёр Назаровларнинг "Биз таниқли тележурналист ва адабиётшунос олим Ўрол Ўтаевнинг умр дафтаридаги битикларини бир-бир варақлаб, у ўз умрини бесамар ўтказмаётганига ишонч ҳосил қилдик", деган дил сўзларини ўқиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳаракатчан, тўғри сўз, иқтидорли, дўстларига содиқ, тили билан дили бир бўлган Ўрол Ўтаев умрининг ҳеч бир дақиқасини бесамар ўтказгани йўқ. У Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг "Энг улуғ, энг азиз" танлови ғолиби, "Дунёга тенгдош хазина" монографияси учун Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро мукофот соҳиби, 2009 йилда энг нуфузли мукофот саналган "Олтин қалам" миллий танловининг совриндори бўлди.

"Ойнаи жаҳон"нинг телетомошабин учун ҳақиқий ҳаёт кўзгусига айланишида ўзларининг бутун ҳаёти ва меҳнатини бағишлаётган фидойиларга бағишланган ушбу китоблар тележурналистлар, бу соҳага қизиқувчилар учун муҳим янгилик бўлди, десам, янглишмайман. Ҳар иккала асар ҳам жонли тилда ёзилганидан ташқари муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеалар мулоҳаза билан қизиқарли услубда ҳикоя қилинишининг ўзиёқ китобнинг ўқишли чиқишини таъминлаган.

Айни кунларда Ўрол Ўтаев телевидениенинг ҳали очилмаган қирралари ва ёритилмаган соҳалари устида қатор тадқиқотлар ёзиш билан машғул.

Юқорида санаб ўтилган асарлари каби бошлаб қўйган бу ишларини ҳам муваффақиятли уддаланишида унга куч-қувват тилаймиз.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

НАШР

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ҳабиб Нўъмон «Ўзбекистон овози» (у пайтлар «ҚизилЎзбекистон» деб аталарди) газетасига ишга келганида йигирма ёшли навқирон йигит эди. Ижод оламида баракали фаолият кўрсатиб, мазмундор мақола, очерк, ҳикоя ва қиссалар ёзиш орқали, жамоатчилик эътиборига тушди.

Кичик жанрларда пишиб етилган ёзувчи-журналист аста-секин катта прозага ҳам қўл урди. Эллигинчи йилларда республикамиз пахтачилиги довруғини оламга ёйган мўл ҳосил усталари ёрқин бўёқларда тасвирланган «Фасллар» қиссасини яратди. Кўп ўтмай «Ёшликда берган кўнгил» асари юзага келди. Бу қисса қўлма-қўл бўлиб, ёш ёзувчига катта шуҳрат келтирди. Таниқли журналист Аҳмад Шораҳмедов билан ҳамкорликда «Ота» романига қўл уриши унинг ижодида муҳим бурилиш бўлди.

Ҳабиб Нўъмон табиатан кам гап, камсуқум эди. Теша тегмаган гапларни топиш, сўзларни чархлаб ишлатиш билан қалам аҳли орасида «сўз заргари» деб тан олинганди.

Ижодкорнинг ён дафтаридан олинган қуйидаги ҳикматли сўзлар ҳам унинг машаққатли касб ҳақидаги кузатувлари йиғиндиси, десак, ўринли бўлади.

Журналистни қалами боқади

- Геолог вақти-соати билан қидиради, газетачи ҳамиша қидиради.
- Бошқа касбга ўтган киши эски касбини унутиши мумкин, аммо журналист газета атрофидан нари кетолмайди.
- *Мақтовга, хушомадга учган танқидчи-газетачи таназзулга юз тутади.*
- Газетачи учун ҳар тонг битта умр.
- *Қайсар бўлса муҳаррир — ходимлар ишда ҳорир.*
- *Редакция тупроғини яламаган киши адабиётчи бўлолмайди.*
- Ўзинг ёзганингни, ҳеч ҳам қисқартиролмайсан.
- *Газета масофа билмайди.*
- Меҳмон ҳар замонда келади, газета кунда.
- *Уйингга газета келмаса, янги гап қандай келади.*
- Газетачилик — нина билан қудуқ қазиш.
- *Журналист фикрлай олмаса, фақат хабарчи бўлиб қолади.*
- Талантсиз газетачи жамоанинг шўри.
- *Хушомадгўй ходим бош мақолани ўринсиз мақтайди.*
- Осмонга қараган журналист қуруқ нарса ташиб келади.
- *Ҳадеб елиб-югураверманг — журналистни қадами эмас, қалами боқади.*
- Журналистни гонорар «қаритади».
- *Мухбир-ку аслида хабарчи, ғаразгўй мухбир эса иғвогар.*
- Мухбирлар пости — газетанинг энг яқин дўсти.
- *Газетага муҳаббат элга, Ватанга муҳаббат.*
- *Гонорарга ҳирс қўйган ижодига қарамайди.*
- Мухбирнинг иш соати йўқ, ётганда ҳам, юрганда ҳам ўйлайди.
- *Котибанинг ғўри — муҳаррирнинг шўри.*
- Макетнинг зеб-зийнати газета чиққанда билинади.
- *Газетачилик нолишни ёқтирмайди.*
- Яхши ходим газетадан ортмайди.
- *Ёмон ходим ҳайдасанг ҳам кетмайди.*
- Яхши мақоланинг қаноти ўзи билан.

Фахрий журналист
Юнус ЗИЁДОВ тайёрлади

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

СУВ ТОШҚИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўтган ҳафта Франциянинг шимолида юз берган сув тошқинлари оқибатида 20 дан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган эди. Хитойнинг Фуцзянь, Чжэцзян, Гуандун, Хунань, Цзянси, Гуйчжоу, Сичуань музофоти ва Гуанси-Чжуан автоном туманидаги сув тошқини ундан бир неча марта кучли бўлди. Бу ерларда анчадан буён ёғингарчилик бўлмагани боис қурғоқчилик ҳукм сураётган эди. Бирдан ёмғирли кунлар бошланди ва дарёлар қирғоқларидан чиқиб кетди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат 88 кишининг умрига зомин бўлган, 48 киши эса бедарак йўқолган. Бу ҳақда ХХР фуқаролик маъмурияти вазирлиги баёнотида айтилган.

Сув босган туманлардан 757 минг нафар киши хавфсиз жойларга кўчирилди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, табиий офат мамлакат иқтисодига 10 миллиард юан (1.46 миллиард доллар) зиён етказган. Синоптиклар ёғингарчилик яна бир неча кун давом этишини башорат қилишмоқда.

Бразилияда ҳам шундай ёғингарчиликлар ва сув тошқинлари тўхтамаяпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатнинг Алагоас ва Пернамбук штатларида 40 минг нафар аҳоли бошпанасиз қолган ва 65 минг киши бошқа жойларга кўчирилган, 41 нафар одам табиий офат қурбонига айланган.

УЧУВЧИСИЗ АППАРАТЛАР ҲУЖУМИ

АҚШ ҳарбийлари учувчисиз учадиган аппарат билан Покистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган Шимолий Вазиристон вилояти Мироншоҳ шаҳрининг Мир Али туманидаги уйга ҳужум уюштирди. Натижада маҳаллий аҳолидан 13 киши вафот этди. Аввалроқ Покистон ҳарбий разведкаси ҳалок бўлганлар сони уч киши эканини хабар берганди.



Шимолий Вазиристонда қабила бошлиқлари ҳукмронлик қилишади. Бу ерда “Ал-Қоида” ва “Толибон” террорчилик гуруҳларининг кўплаб вакиллари бошпана топган. Шу боис, америкалик ҳарбийлар учувчисиз учадиган аппаратлар билан бу ерга мунтазам ҳужум уюштириб туради. Расмий Исломобод бу борада бир неча бор норозилик билдирди. Чунки ҳужум пайтида тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлмоқда.

Ҳарбийлар тарқатган маълумотларда айтилишича, 2009 йилда 70 марта учувчисиз учадиган аппаратлар ҳужуми уюштирилган ва натижада “Толибон” гуруҳининг 600 нафардан кўпроқ аъзоси ҳамда бир неча раҳбари йўқ қилинган.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Афғонистоннинг Хост музофотида иорданиялик ҳудкуш ўзини портлатиши натижасида АҚШ марказий разведкасининг етти нафар ходими ҳалок бўлганидан сўнг Пентагон толибларга қарши курашни яна ҳам кучайтирди.

ЖАНГАРИЛАР ТАЛАФОТИ

“Аш-Шабаш” жангарилар гуруҳи Сомали пойтахти Могадишонинг жанубидаги ҳукумат қўшинларига ҳужум қилган.

“Reuters” тарқатган хабарда айтилишича, тўқнашувда 20 киши ҳалок бўлган. Уларнинг тўрт нафари ҳукумат аскарлари, 13 нафари жангарилар ва 3 нафари тинч аҳоли вакилларидир.

Хабарда таъкидланишича, сомалилик жангарилар сафида ёлланган чет элликлар ҳам бор. Улар мамлакатнинг ва пойтахт Могадишонинг бир қисмини назорат қилиб туришибди. Жангарилар Сомалида ислом давлати қуриш учун кураш олиб бормоқда.

1991 йилдан буён бу давлатда марказий ҳукумат йўқ ҳисоби. Мамлакат бир неча гуруҳлар қўлида. Шу боис, Сомали сўнгги йилларда халқаро денгиз қароқчилигининг марказига айланиб қолди.

АҲОЛИ СОНИ КАМАЙМОҚДА

Украина давлат статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2010 йилнинг май ойига келиб мамлакат аҳолиси сони 45 миллион нафарни ташкил этган. Уларнинг 31 миллиони шаҳарларда ва 14 миллиони қишлоқларда яшамоқда. Маълумотда айтилишича, Украина аҳолиси 1992 йилда 53 миллион эди. Аҳоли сонининг камайишига, биринчи навбатда, туғилишнинг камлиги таъсир қиляпти. Жорий йилнинг биргина апрель ойида аҳоли сони 17 минг нафарга қисқарди.

БМТ прогнозларига қараганда, аҳоли сонининг қисқариши шу тарзда давом этса, мамлакат аҳолиси 2030 йилда 39 миллион нафарни ташкил этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти баёнотида айтилишича, аҳолининг табиий кўпайиши бўйича Украина дунёда охирги ўринни эгаллаб турибди.

Россияда ҳам аҳоли сони камайиб бормоқда. Ҳукумат олиб борган ислоҳотларга қарамай, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида Россия аҳолиси 41,7 минг кишига камайган. Мамлакатда аҳолининг табиий камайиши 17,2 минг нафарни ташкил этган. Уларнинг ярмидан кўпроғи — 57,4 фоизи қон айланиш тизимининг бузилиши туфайли вафот этган.

ҲАРБИЙ ПОСТДАГИ ФОЖИА

Истамбулда кучли портлаш содир этилди. Натижада бир неча киши тан жароҳати олди. Ҳарбий экспертлар бу портлашни бир кун олдин Туркия ҳарбий ҳаво кучларининг Ироқнинг курдлар яшайдиган туманларига қилган ҳужумига жавоб, деб шарҳлашмоқда.

Хабарда айтилганидек, ҳақиқатан ҳам, бир кун олдин Туркиянинг жанубий-ғарбидаги ҳарбийлар постига курд жангарилари ҳужум уюштирган, натижада 10 нафар турк аскари ҳалок бўлган, 14 нафари тан жароҳати олган эди. Шунингдек, тўқнашувда 12 нафар курд жангарилари ҳам йўқ қилинганди. Шу боис, Туркия авиацияси Ироқнинг курдлар яшайдиган шимолий туманларига ҳаводан ҳужум уюштирган эди.

Таъкидлаш лозимки, 1984 йилдан буён Туркияда Курд ишчи партияси мустақиллик учун кураш олиб боради. Шу йиллар ичида рўй берган тўқнашувлар туфайли 40 минг нафардан кўпроқ одам қурбон бўлди. АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа кўплаб мамлакатлар томонидан Курд ишчи партияси террорчи гуруҳ сифатида тан олинган.

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Праганинг Рузине аэропорти учиш-қўниш майдончасида икки йўловчи самолёт тўқнашиб кетди. Бу ҳақда “Belfast Telegraph” хабар тарқатди. Самолётларнинг бири — Airbus A-321 Германиянинг Lufthansa авиакомпаниясига қарашли бўлиб, Франкфуртга парвоз қилишга тайёргарлик кўраётганди. Иккинчи самолёт — Boeing 737-800 эса Туркиянинг Sun Express авиакомпаниясига қарашли эди.

Тўқнашув чоғида йўловчилар ва экипаж аъзоларидан ҳеч ким жабрланмади. Самолётлар эса енгил шикастланишди ҳамда таъмирга жўнатилди.

Рузине аэропорти Прага шаҳридан 17 километр узоқликда жойлашган. Бу ердан ҳар куни 103 йўналиш бўйича учадиган 250 та самолёт дунёнинг турли нуқталарига парвоз қилади.

ҚОЧОҚЛАРНИНГ МАҚСАДИ

АҚШнинг Техас штатидаги Лакланд ҳарбий авиабазасидан кейинги уч ойда 17 нафар афғонистонлик ҳарбий қочиб кетган. Улар бу ерда инглиз тилини ўрганишаётган эди. Fox News тарқатган хабарда таъкидланишича, шу воқеа муносабати билан уларнинг АҚШда бўлишини тасдиқловчи рухсатнома бекор қилинган. Қачон ва қандай ҳолатда ҳарбийларнинг қочиб кетгани хабарда айтилмаган.

Ҳарбий база раҳбарлари эса афғонлар кейинги уч ой эмас, балки икки йил давомида қочиб кетишганини билдиришди. АҚШ мудофаа вазирлиги вакили уларнинг қочиб кетиши мамлакат миллий хавфсизлигига хавф солмаслигини айтмоқда. Уларнинг таъкидлашича, афғон аскарлари юртига қайтиб кетмаслик ва океан ортида қолиш учун базадан қочишади.

ЯНГИ ЮЛДУЗ

Олимлар шу пайтга қадар астрономларга маълум бўлмаган юлдузни топишди ва уни «L1448-IRS2E» деб номлашди. Бу ҳақдаги мақола «Astrophysical Journal» журналида босилиб чиқди.

«L1448-IRS2E» қуёш тизимидан 800 ёруғлик йили узоқда жойлашган Персей юлдузлар тизимида жойлашган. Янги юлдузнинг ёруғлиги қуёш ёруғлигидан тахминан ўн баравар кучсиз. Шунинг учун ҳам олимлар «L1448-IRS2E» ҳали ўзидан кучли нур тарқатадиган юлдузга айланиб бўлмаган, деган хулосага келишмоқда. Ҳозир янги объект жуда ёш бўлиб, “неоюлдуз” ва “протор-юлдуз” ўртасидаги жараённи бошидан кечирмоқда.

МАБЛАҒИНИ ЯШИРГАН ЭКАН

АҚШ молия тарихидаги энг катта товламачи, «Madoff Securities» фонди асосчиси ва раҳбари Бернард Мейдофф қамалишидан олдин ўз дўстлари ёрдамида 9 миллиард доллар маблағини яширган экан. Бу маълумотни у билан битта камерада ётган маҳбус баён этди.

Маҳбуснинг таъкидлашича, Мейдофф унга ўзининг қолган пуллари уч дўстининг қўлида қолганини, дўстларининг исмини собиқ ишбилармон ҳамкори Фрэнк Ди Паскали билишини айтган. Ди Паскали «Madoff Securities»нинг молиявий директори бўлган ва ҳозир терговга тортилган.

Эслатиб ўтамиз, Nasdaq биржасининг собиқ бошлиғи, «Madoff Securities» фонди асосчиси Мейдофф бундан бир йил бурун товламачилиги учун 150 йилга озодликдан маҳрум этилган эди.

КЕМАДАН ҚУРОЛ ТОПИЛДИ

Кипрнинг қирғоқ чегара хизмати аскарлари қурол олиб кетаётган кемани қўлга олишди. Бу ҳақда «Associated Press» хабар тарқатди.



Мамлакат чегара хизмати раҳбари Диметриос Хаджикостиснинг таъкидлашича, Антигуа ва Барбуда байроғи остида Судан ва Сингапурга йўл олган «Сантьяго» кемаси ёнилғи олиш учун Лимассо портига киришга рухсат сўраган. Чегарачилар кема бортини текшириб кўришганда, унда портловчи модда ва танклар борлиги маълум бўлди. Юк ҳужжатларига кўра, портловчи моддалар Суданга, танклар эса Сингапурга етказилиши керак эди. Юклар Германия ва Испаниядан ортилган экан.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига биноан, Суданга қурол-яроғ етказиб бериш тақиқлаган. Шу боис кема ушлаб турилибди. Юклар тўлиқ текшириб чиқилгандан сўнг бир қарорга келинади.

Интернет хабарлари асосида Нодирбек ШОМУРОДОВ тайёрлади

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«ФАХРИЙ»

Сақлаш муддати — 3 йил,

омонат бўйича йиллик

26 фоиз

ҳисобланади.

Омонатчининг хоҳишига кўра, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганда (3 йилдан сўнг) берилади.

Омонат нақд пулда ёки пенсионернинг аризасига кўра пенсиясини нақдсиз ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун:
«Асака» банки (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланиши кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ФАОЛИЯТ

Маркетингнинг хусусий тадбиркорликдаги ўрни

Кичик бизнес ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва аҳоли бандлиги муаммосини ижобий ҳал этишда муайян ўрин эгаллайди. Бу субъектлар ўзининг ихчамлиги ва ички бозор талабини тезда ўрганиши, кам маблағ сарфлаб, маҳаллий эҳтиёж учун турли зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уни бозорга таклиф қила олиши билан характерланади.

Унинг яна бир муҳим ижобий томони ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланишидир, бу эса маҳсулот таннархининг бирмунча арзон бўлишини таъминлайди.

Айрим кичик корхоналар фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, корхоналар маркетинг режаларисиз, изланишларсиз тузилган режалар асосида ишлайди. Бу эса маҳсулотнинг туриб қолиши, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши ва охир-оқибат корхонани инқирозга олиб келиши мумкин.

Маркетинг XIX аср охири ва XX аср бошларида харидор талабини қондиришга мўлжалланган тизим сифатида вужудга келган. Мамлакатимизда эса маркетингдан фойдаланиш мустақилликка эришилгандан сўнг бошланди. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётини танлаши билан маркетингнинг ривожланишига имконият яратилди. Айниқса, иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида маркетингни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Истиқлол йилларида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, рўйхатга олиш ва ундан кейинги жараёнларни соддалаштириш юзасидан ҳокимиятлар қошида тадбиркорларни рўйхатга олиш бўйича инспекциялар тузилди, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олишгани ҳақида хабардор қилиш тартиби жорий этилиб, рўйхатдан ўтказиш муддати 7 иш кунидан 2 иш кунига туширилди.

Тадбиркорликнинг ихчам шаклларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларига 32 та тижорат банклари, кредит уюшмалари, бандликка кўмаклашиш жамғармаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, 98 та лизинг ташкилоти ҳамда суғурта компаниялари хизмат кўрсатмоқда.

Биржа савдоларини ривожлантириш туфайли лимитлар ва фондларни марказлашган тарзда тақсимлаш механизми бекор қилиниб, моддий-техника ресурсларини биржа савдолари орқали эркин сотиб олиш имкониятлари яратилди.

Маҳсулотларни мажбурий стандартлаш ва сертификатлаш тизимини соддалаштириш ҳамда эркинлаштириш мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхати 30 фоизга қисқартирилди. Сертификатлашни соддалаштириш мақсадида "Техник тартибга солиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда.

Молиявий, солиқ, статистика ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш йўли танлангани барча ҳисоботларни бир ойда эмас, балки ҳар чоракда топшириш, молиявий ва статистик ҳисоботлардан ташқари ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди.

Солиқ юкини камайтириш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш қоидалари бир хиллаштирилиб, солиқ ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини ҳар 4 йилда кўпи билан бир марта, бошқаларини ҳар 3 йилда кўпи билан бир марта текширишга рухсат берилди. Янгидан ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб 2 йил мобайнида режа бўйича текширишлар ўтказилмайди.

Чакана ва улгуржи савдо тизимида лицензияланадиган фаолиятларнинг барча турларига лицензия бериш 5 йилдан кам бўлмаган муддатгача чўзилди. 13 та турига лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чегараланмасдан, яна 6 та фаолият турига давлат бошқарув органлари орқали лицензия берилиши йўлга қўйилди.

Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган катта эътиборнинг яққол далилидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини янада кенгайтиришлари даркор. Бунинг учун уларда тадбиркорлик қобилияти шаклланган бўлиши лозим. Тадбиркорлик эса маркетингни қанчалик самарали қўллай олиш билан белгиланади. Катта ғалабаларга эришган барча тадбиркорларнинг ютуқлари бевосита маркетинг билан боғлиқ экани кузатувлардан маълум.

Кичик корхона раҳбарлари ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар корхона маҳсулотларини сотишни таъминлаш учун маркетинг хизматидан фойдаланишлари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, маркетинг масалалари бўйича билим олишлари ёки маркетингга ихтисослашган фирмалардан маслаҳат олиб туришлари улар ишининг янада яхшиланишига олиб келади.

Садриддин ДОНАБОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси



Ҳозирги глобаллашув даврида умумий экология фани табиий атроф-муҳит ҳақида статистик маълумотлар, эмпирик материаллар тўплашдан, экологик фаолиятни ташкил этишдан, бошқариш, назорат қилиш стратегияси ва тактикасини белгилашнинг назарий-методологик асосларини яратиш босқичига кирди. Бу тикланмайдиган табиий ресурслар камайиб ва йўқолиб кетишининг олдини олишдаги техник-технологик ташкилий соҳада, табиий муҳитнинг жаҳон миқёсида ифлосланиб, биосферанинг экологик мувозанатига таъсир қилувчи антропоген омил ролини кўрсатишда ҳамда экологик фаолликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятлар билан детерминлашиш ҳолатини аниқлаш ва амалий ечимларини топишда намоён бўлади.

ТАҚРИЗ

ЭКОЛОГИЯ ХУСУСИДА МОНОГРАФИЯ

Албатта, мазкур жараён билан шуғулланган файласуф — эколог олимлар Саидмурод Мамашокиров ва Элдор Усмонов ўз монографиясида (С.Мамашокиров, Э.Усмонов. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. Тошкент-2009 йил. "Фан") экологик барқарор тараққиёт йўналишларини ўрганишнинг уч босқичда бажариладиган вазифаларини бир-биридан ажратиш ва улар қамраб олиши керак бўлган даврларни белгилашнинг методологик жиҳатларини чуқур ва илмий-назарий таҳлил қилишади.

Монографияда қайд қилинишича, экологик хавфсизлик масъулиятини англаш даражаси инсоният тарихий тараққиётининг табиатига мос келади. Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг дастлабки босқичларида элементар ижтимоий-экологик меъёрлар, кишиларнинг муайян табиий яшаш шароитлари билан боғлиқ урф-одатлар, расм-русумлар тарзидаги амалий шаклларда намоён бўлган. Умумлаштирилганда, экологик барқарор тараққиётда ўзаро диалектик муносабатдаги икки тенденция мавжуд: биринчидан — экологик масъулият шу соҳадаги фаолият йўналишини белгилаб, табиатни муҳофаза қилиш фаоллиги билан боғлиқ "моддийлашув" жараёни бўлса, иккинчиси у эътиқодга, шахс амалий фаолиятининг кундалик заруриятига айланганидагина экологик фаолликнинг омили бўла олиши ва бу соҳадаги барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Шуниси характерлики, монография муаллифлари Марказий Осиё давлатлари экологик муаммоларидаги умумийлик жаҳоннинг мамлакатлараро конструктив сиёсий муносабатларини кучайтириши мумкинлигини ҳисобга олишган. Яъни, ҳар бир республиканинг конкрет экологик вазиятини, табиатга путур етказаётган техноген омилларни, экологик имкониятлар коэффицентини, макон чегараларини аниқлаш учун Халқаро экологик муаммоларни ўрганиш марказини ташкил этиш керак, деган таклифни беришади. Бундай тажрибалар жаҳон миқёсида мавжуд бўлиб, "Рим клуби", ЮНЕСКОнинг "Инсон ва биосфера" каби дастурларини ижодий ўзлаштириш лозим. Демак, давлатлараро экологик муносабатларни муқобиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни экологик талаблар асосида лойиҳалаштириш, қуриш ва қувватларни жойлаштириш, "экологик ишлаб чиқариш кучлари"ни, инвестицияни, инфратузилмани экспертизадан ўтказиш учун Халқаро экологик инспекциясини ташкил қилиш зарурати бор. Халқаро экологик иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тадбирларни дастурлаштириш ва амалга жорий қилишдаги келишувларни ўз вақтида сифатли бажаришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, давлатлар экологик масъулияти ва мажбуриятларини, маъмурий-ҳуқуқий органлари ишини мувофиқлаштирувчи Халқаро экологик трибунални тузиш ҳамда давлатлараро дастурлар ва глобал экологик муаммоларни иқтисодий-моддий, техник-технологик, интеллектуал жиҳатдан таъминлаш мақсадида марказлашган Халқаро экологик фонд тузиб, дунё миқёсида турдош фондлар билан бўлаётган муносабатларни ўрнатиш ҳозирги жадал тараққиётнинг стратегик талаби бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, халқаро экологик маълумотларни марказлаштириш, тартиблаштириш ва таҳлил қилиш, ахборотлар репрезентативлигини таъминлаш ҳамда Халқаро экологик информациялар "банки"ни ташкил қилиш ва минтақадаги экологик мониторингни кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш учун уни замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан таъминлашдан ташқари Халқаро экологик космик назорат тизимига киритиш керак бўлади.

Бундай умумбашарий вазифаларни бажариш — республикамизнинг ўз йўли — "ўзбек модели" орқали бозор иқтисодига ўтиши, ҳуқуқий ҳамда демократик жамият қуриш манфаатларини, мақсадларини экологик таъминлашдан ташқари умуминсоният миқёсида тарихий цивилизацияни сақлаб қолишга қўшадиган ҳиссаси ҳамдир.

Шунингдек, монография экологик сиёсат интеграцияси умуминсоний қадрият сифатида ифода қилинади. У давлатлараро муносабатларнинг барча соҳаларига тааллуқли кенг қамровли яхлит тизимдир. Ҳозирги экологик фалокатлар бутун инсониятга таҳдид солаётгани учун умуминсоний, глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда. Уларни ҳал этиш ҳар бир мамлакатда демократик шарт-шароитлар яратишни талаб қилади. Шунингдек сиёсий, иқтисодий, маънавий воситалар комплекси ҳам мужассам бўлиши керак. Демак, экологик сиёсатни тор, миллий, меркантал ва утилитар (ҳар ким вақтинча ўз фойдасини ўйлайдиган) тарзда ривожлантириш мумкин эмас.

Мамлакатимизда қарор топган миллий мустақиллик мафкураси жамиятимиз ҳаётида ошкоралик ва демократияни чуқурлаштиришга, дунё халқларининг табиий атроф-муҳит муҳофазаси манфаатларини ҳозирги ва келгуси авлодлар эҳтиёжларига мос келувчи экологик сиёсатни интеграциялаштиришни янада кенгайтиришга қаратилган янги халқаро экологик муносабатларни ривожлантиришга мустаҳкам замин тайёрлайди. Монография буларнинг барчаси ҳақида ўқишли, қизиқарли фактлар асосида ҳикоя қилингани унинг қадр-қимматини янада оширган, десак муболаға бўлмайди.

Карим НОРМАТОВ,
профессор

ЛОЙИҲА

БЭМнинг қулайлиги

Солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ўртасидаги муносабатларни замонивийлаштириш ва соддалаштиришга қаратилган ишларни изчил амалга оширишда илғор технологияларга суянилмоқда.

Солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви соҳага илғор технологияларнинг кириб келиши ҳисобига яхшиланмоқда. Хусусан, солиқ идораларига солиққа доир ҳисоботларни электрон тартибда жўнатиш тобора кенг йўлга қўйилаяпти. Бунинг учун "Солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар" тизими жорий этилган. Ушбу тизимдан фойдаланиш учун солиқ тўловчига электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитига эга бўлишнинг ўзи кифоя. ЭРИ калитини олиш учун солиқ тўлови ўзи рўйхатдан ўтган ҳудуддаги давлат солиқ инспекциясига ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Бугунги кунда солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар ўртасида электрон ҳужжат алмашинувида "Бухгалтерга электрон мадад" — БЭМ миллий дастури муҳим ўрин тутишини ишбилармонлар, корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда соҳа мутахассислари ҳам эътироф этмоқдалар. Бу дастур бухгалтерия ҳисоби юритишни нафақат тўлиқ автоматлаштиради, балки ҳисоботларни солиқ идораларига жўнатишнинг электрон тартиби яратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Таъкидлаш жоиз, БЭМ лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз қонунчилигига тўла мослаштирилган бу дастур ўзбек ва рус тилларида яратилган. Қолаверса, БЭМ дастури Давлат солиқ қўмитасининг ўзида, шунингдек, Молия вазирлиги, Статистика давлат қўмитаси, Бухгалтер ва аудиторлар миллий уюшмаси каби нуфузли идораларда синовдан ўтказилиб, ўзининг ишончли ва самарадорлигини кўрсатди.

Шу ўринда, БЭМ дастури ҳақида қисқача маълумот бериш фойдадан холи бўлмайди. Ушбу дастур бухгалтерияларнинг барча ўйналишларини тўлиқ автоматлаштиради. Ҳисоботларни солиқ идораларига интернет орқали юбориш имконини беради. Бундан ташқари, фойдаланувчилар ўзларининг бухгалтерияга оид барча маълумотларини кучли ҳимояланган базада сақлаш имконига эгадир.

Мамлакатимизда бу каби миллий дастурга кучли эҳтиёж юқори бўлганини ҳеч ким инкор этмайди. Шу пайтгача юртимиздаги аксарият корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишда хорижда тайёрланган ишланмалар, уларнинг маҳаллий қонунчиликка бир амаллаб мослаштирилган "қўлбола" нусхаларидан фойдаланиб келишарди. Натижада солиқ идораларига молия ва бухгалтерия ҳисоботларини топширишда хатоликларга йўл қўйилар, натижада қонунбузилишлар юзага келарди. Табиийки, бунинг ортидан, корхона ва ташкилотлар яхшигина зарар ҳам кўради.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқилганда БЭМ дастуридан фойдаланишнинг ижобий аҳамияти қанчалик катта экани янада ойдинлашади. Шунинг учун БЭМ лойиҳаси вакиллари ва солиқ идоралари дастурни оммавийлаштиришга катта эътибор қаратмоқдалар. Шу мақсадда жойларда дастурнинг тақдимот маросимлари ўтказилди, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минтақавий семинарлар ташкил этилди. Ишбилармонлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳисобчилар, солиқ идоралари вакиллари иштирок этган ана шундай семинарларнинг биринчи давраси яқинда ниҳоясига етди.

Семинар иштирокчилари БЭМ билан илк танишувдаёқ унга катта қизиқиш билдирганини, унинг имкониятларини юқори баҳолаганини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси молия-иқтисодиёт департаменти бошлиғи, бухгалтерия соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ирина Мартьянова дастур билан ҳали унинг синови ўтказилаётган пайтдаёқ танишганлардан бири.

— БЭМ дастурининг биринчи навбатда, ўрта ва кичик бизнес вакиллари учун ўта самарадорлигини айтиб ўтмоқчиман. Чунки бизнеснинг бу тури билан шуғулланувчилар йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, кўп сонли ҳисобчилар штатини сақлашдан манфаатдор эмас, — дейди И.Мартьянова.

Улар кам харажат қилиб, кўп иш бажарилиши тарафдоридирлар. Бу борада уларга, албатта, БЭМ ёрдамга келади. Дастур бухгалтериянинг барча йўналишларини автоматлаштиришни таъминлаши, катта ҳажмдаги ишни кам ишчи кучи билан бажариш имкониятини яратади. Бундан иш берувчи ютади, ўз навбатида, бухгалтер ҳам ҳисоботларни тез ва аниқ тайёрлаш имконига эга бўлади."

Яқинда Тошкентда ўтказилган Дастурий маҳсулотлар миллий кўргазмасида БЭМ дастури ҳам жуда юксак баҳоланди. Кўргазма ташкилотчилари БЭМнинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш, молия ва бухгалтерия ҳисоботларини солиқ идораларига электрон шаклда жўнатиш имкониятини берадиган, мукаммал илк миллий дастур эканини эътироф этди. Мана шу эътироф натижаси ўлароқ, БЭМ мамлакатимизда яратилган энг яхши миллий дастурлардан бири сифатида тан олинди ва махсус совринга лойиқ топилди.

Юртимизда дастурга эҳтиёж катта экани ҳисобга олиниб, лойиҳани янада кенгроқ ёйиш чоралари кўрилмоқда. Айни пайтда бир неча вилоятларда лойиҳанинг филиаллари ташкил этилди. Бу ишлар БЭМни стратегик ривожлантириш режаси асосида амалга оширилмоқда. Филиаллар замонавий компьютер техника ва малакали мутахассислар билан таъминланган. Бу эса жойлардаги БЭМ дастурий маҳсулотидан фойдаланувчиларга тезкор маслаҳатлар бериш, дастур бўйича техник хизмат кўрсатиш имкониятларини яратди.

Шунингдек, дастурни янада оммалаштириш мақсадида вилоятларда дилерлик тармоқлари ҳам ташкил этилаётир. Бугунга келиб Андижон, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Навоий вилоятларида БЭМ лойиҳасининг 12 расмий дилери иш олиб бораётир.

Айни пайтда БЭМ дастури имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган ишлар ҳам давом этмоқда.

Анвар КАРИМОВ,
БЭМ лойиҳаси вакили

BANK XALQ BANKI
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун манфаатли шартларга асосланган «УМИД» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 15 ОЙ

муддатга йиллик 25%

микдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади.

Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида мижознинг ихтиёрига кўра унинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

"ХАЛҚ БАНКИ" СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин

МУЛОҲАЗА

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Яқинда бир гуруҳ дўстлар билан компьютердаги турли ўйинлар хусусида ўзаро мунозара қилдик. Сал ўтиб, даврамизга Нуриддин исмли дўстимиз ҳам қўшилди. У баҳсимиз мавзусини англагач, ўйланиб турди-да, шундай деди: "Мен компьютер дастурларига жуда қизиққаним сабабли кўп шуғулланар эдим. Табиийки, ўйинларини ҳам севиб ўйнай бошладим. Аммо тезда жаҳлим чиқиб кетадиган, сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолганимни, секин-аста кўриш қобилиятимнинг пасайиб бораётганини сеза бошладим...»

Биз эса бу гапни эшитганимиздан сўнг компьютердаги ўйинлар қанчалар ўзига тортмасин, унинг қаршисида кўп ўтирган ёшлар саломатлигига салбий таъсир этиши бор гап эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Албатта, XXI аср техника тараққиёти асри ҳисобланади. Айниқса, компьютер, интернет, уяли телефон шу даражада ривожландики, кўпгина юмушларни енгиллатишда ва ахборот олишда энг қулай восита сифатида ҳаётимиздан ўрин олмоқда. Шу билан бирга, компьютер дастурларидаги турли ўйинлар, чет эл фильмлари ва кўплаб сайтлар ёшларимизнинг энг севимли машғулотига айланиб бормоқда.

— Бундай жангари ўйинлар, умуман, компьютердан меъёрдан ортиқ фойдаланиш биринчи навбатда болаларнинг мия фаолиятига кучли салбий таъсир этади, уларда руҳан тушкунликни, тажангликни келтириб чиқаради. Оила аъзолари ва дўстларига нисбатан меҳр-шафқат каби туйғуларнинг йўқолиб кетишига, ёш болаларда чап елканинг бир тарафга қараб оғиб қолишига сабаб бўлди, — дейди психолог Зилола Ҳайдарова. — Ҳатто юрак фаолиятига, нафас олиш йўлларига кескин таъсир этиши, айрим ҳолларда 7-8 ёшдаги болалар умуртқа поғонасининг бузилишига олиб келиши исботланган.

Яқинда интернет клубларидан бирида компьютерда маълумотнома ёзиб ўтирсам, уч нафар мактаб ўқувчиси келиб ёнимга ўтирди. Ва бир-бирига компьютердаги турли ўйинларни қай даражада билишини, ким кўпроқ ўйнагани ва неча марта ютгани ҳақида мақтана кетди.

Мен улардан "Миллий ўйинларимиздан бирортасини биласизларми?" — дея сўрадим. Даставвал ўзини Зуҳриддин дея таништирган 7-синф ўқувчиси ҳеч қандай миллий ўйинни билмаслигини айтди ва миллий ўйинларимизни ўйнашни жуда ҳам хоҳлашини таъкидлади. Ажабланарлиси шундаки, ёнидаги икки нафар дўсти ҳам миллий ўйинларимиздан бирортасини билмас экан.

— Компьютердаги ўйинлардан қайси бирини биласизлар? — дея сўраганимда, кўплаб жангари ўйинларни шу даражада тез санаб беришдики, ҳайратда қолдим.

— Оилаларда фарзанд тарбияси бузилишининг олдини олиш учун уларни аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида ардоқланган, бизга мерос қилиб қолдирилган миллий ўйинларимиз билан тарбияламоғимиз лозим, — дейди профессор Саодат Йўлдошева. — Агар биз ёш авлодда ҳаққонлик, топқирлик, зукколик каби фазилатларни ривожлантириб, ақлан теран бўлиб вояга етишларига замин ярата олсак, марра бизники.

Бунинг учун эса ота-боболаримиз томонидан байрам тўйларда, турли сайилларда севиб ўйналган миллий ўйинларимиз энг асосий мезон сифатида олинса, яхши бўларди. Жумладан, ўзбек миллий ўйинларидан "Оқ суяк" ўйинини олайлик. Бу ўйин асосан ойдин кечаларда, кенг майсазорда ўйналади. Ўйин шартига кўра, даставвал битта ўртача қўй суяги танланади. Ўйинда бир жамоа иккинчи жамоани мағлуб этиш учун суякни истаган тарафга улоқтиради ва уни топиш учун маълум вақт берилади. Агар иккинчи жамоа белгиланган вақт мобайнида суякни топиб кела олмаса, мағлуб саналади. Бу ўйин асосан боланинг кўриш қобилиятини, тезкорлигини ҳамда жамоага мослашувини шакллантиради.

Болаларнинг жисмонан ва ақлан тўлиқ шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи ўйинлардан яна бири "Бўёқ-фуруш" ўйинидир. Бунда ҳам болалар икки гуруҳга бўлинади. Ўйинда бир жамоа аъзолари турли бўёқ ранглари қиёфасида бир қатор бўлиб саф тортади. Иккинчи жамоа эса мана шу ранглардан бирини танлайди ва бу "бўёқ"ни танлашининг сабабини жамоага эълон қилади. Танланган бола тезлик билан югуради ва уни танлаган бола қувлайди. Агарда қувган бола етиб олса, ютади, ета олмаса, ютқазади. Бу ўйин болаларда мияни тез ишлашга, нутқни ўстиришга, теран фикрлашга ва айрим болалардаги рангларни ажрата олмаслик каби касалликни йўқотишга ёрдам беради.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ақлий фаолияти секин ривожланаётган болаларни даволашда ҳам қўл келади.

Болалар зеҳнини ўткирлаштиришда ва зийраклигини янада оширишда "Ботиртой" ўйини муҳим ҳисобланади. Бу ўйинда болалар икки ёки уч гуруҳга бўлингач, чўпни тик қилиб, унинг устига майда чўпларни териб қўйишади. Ўйин шартига кўра, болаларнинг бири санаш орқали бир болани танлайди ва унинг кўзи боғлоғич ёки рўмолча билан боғланади. Бошқа болалар эса турли жойларга беркинади. Кўзи бойланган бола ўртоқларини қидиради. Агарда кимнидир топса, дарҳол чўп олдига келиб, чўпларни йиғиб, бирор нарса билан белгилаб қўйиши лозим. Мабодо бу вақт ичида яширинганлардан бири келиб, чўпларни тарқатиб юборса, ўйин қайтадан бошланади.

Асрлар давомида бизгача етиб келган "Ким тез ўйнайди?", "Лапта ўйини", "Чавандоз", "Дорбозлар", "Даста", "Бекинмачоқ", "Шаҳар-шаҳар" каби ўйинларимиз ҳозир ҳам юртимиз вилоятларидаги чекка қишлоқларда мароқ билан ўйналмоқда.

Табиий савол туғилади: бу ўйинларни шаҳарларда униб-ўсаётган, ўз хонадонида ёки интернет-кафелардаги электрон ўйинлар таъсирига тушиб қолган болалар онгига қандай сингдириш мумкин? Бунинг учун, менимча, миллий ўйинларимизни дастурлаб, интернет-кафеларга тарқатиш, сотувга чиқариш лозим. Интернет-кафелар фаолиятини тартибга солувчи қонун ишлаб чиқиш керак. Ана шунда, компьютердан бош кўтармайдиган болалар ҳам аста-секин ундан узоқлашиб, жамоага қўшиладиган, элнинг ишига бош қўшадиган йигит-қизлар бўлиб улғаяди. Энг муҳими, "ёлғизлик" касалидан фориғ бўлади.

Миржамол ҲОТАМОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

ЁРУҒ НИЯТ

Илм биздан беҳожат, биз унга муҳтож



Йигирма кунлик асаларининг гулдан-гулга қўниб, асал йиғишини кўргансиз, албатта. Бу митти меҳнаткаш ўз вазифасини адо этиш учун ҳаётга мукаммал ҳолда юборилган. Инсон фарзанди эса ҳаётда ўз ўрнини топиш учун узоқ йиллар ўқиб-ўрганади. Аслида, айрим ёшлар ўйлаганидек, мактабни битирар-битирмас китоб-дафтарни бир чеккага улоқтириш катта хато. Мактаб инсонга илм ўрганиш учун «калит» беради, холос. Ундан кейин ўша калит билан илм хазиналарини очиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, илмли инсонлар қуёшга ўхшайди, борган жойини ёритади. Илмнинг ўзи эса қоронғуликни ёритувчи машъалага қиёсланади. Араб олимларидан бири Али ибн Абу Толиб илм ҳусусида шундай деган: «Илм пастда турган кишини юқорига кўтаради. У мол-давлатдан устундир. Чунки сен бойликни асрайсан, сени эса — илм".

Нақадар тўғри таъриф. Чиндан ҳам мол-давлат йўқ бўлгувчи, илм эса умрбод инсон хизматида туради. Илм унинг қадрига етган инсон учун ҳақиқий завқ ато эта олади. Илм олишга интилганлар ҳатто ухлашга, овқатланишга кетган вақтларини ҳам йўқотиш деб биладилар. Чунки илм туфайли топилган роҳатни бошқа бирон машғулотдан топиб бўлмайди. Ҳасан Басрийнинг илмга кўп интилганини кўрган аёли, "Китоблар мен учун учта кундошдан ҳам кучли душмандир", — деган экан.

Агар инсон бирор китобни мутолаа қилгач, "Яхшиямки, шу китобни ўқидим, акс ҳолда, кўп нарса йўқотарканман», — дея олса, қандай яхши. Конфуцийга ўхшаб «Ё, парвардигор, менга китоб тўла бир уй бергин», — деб дуо қилайлик. Илм тубсиз уммон, илм ўрганувчи унда сузаётган балиқ кабидир. Саъдийнинг наздида, «Билганига амал қилмайдиган олим гўё устига китоб юкланган эшак кабидир».

Албатта, илм мияга ўз-ўзидан жо бўлмайди. Уни забт этиш учун тинмай меҳнат қилиш зарур. Эдиссон «Муваффақиятларимнинг юздан тўқсон тўққиз қисми меҳнат, бири эса ақлим маҳсулидир», — деган экан. Бальзак эса, « Илмнинг хўжайини бўлишни истаган кимса меҳнатнинг қули бўлсин», — дея илм олишда меҳнатнинг аҳамияти нечоғли катта эканини таъкидлайди.

Ҳозир айрим ёшлар юқори чўққиларга осонгина кўтарилишга ҳаракат қилади. Ҳолбуки, ҳеч нарса ҳавога чанг ва пат каби тез ва осон кўтарилмайди.

Жалолиддин РАВШАН ўғли

"Ўзбекистон почтаси"

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайди.

Уларга соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик, ижодий муваффақият тилайди.

Айни пайтда 2010 йил учун газеталар, журналларга обуна давом этаётганини маълум қилади.

Севимли матбуот нашрларингизни харид қилинг ва обуна бўлинг!

УЧРАШУВ

Санъаткорнинг қалб чироғи

ҳамиша ёниб туриши керак

Бизда "санъаткор маънавияти" деган ибора бор. Маълумки, унинг маъно-моҳияти юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган маънавий, маърифий ишларнинг, таъбир жоиз бўлса, негизини ташкил этади.

Санъаткор маънавияти соҳа усталарининг ишларини муносиб давом эттираётган, қолаверса, ўз ижодига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашаётган, табиатан камтар, ширали ва ноёб овозга эга Ўзбекистон халқ артистлари — Муножот Йўлчиева, Насиба Абдуллаева, Маҳмуд Намозов, Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Насиба Сатторова, Озодбек Назарбеков, Шуҳрат Қаюмов, Гулсанам Мамазоитова сингари хонандалар сиймосида намоён бўлмоқда.

Бугун биз шундай санъаткорларимиздан бири, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова билан ҳозирги қўшиқчилигимизнинг равнақи, соҳа ривожига янги электрон воситаларнинг таъсири, санъаткор маънавияти хусусида суҳбатлашдик.

— Яқинда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити иштирокчиларига "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида намойиш этилган катта концерт дастурини томоша қилар эканмиз, бугунги ўзбек санъаткорлари бошқа давлатлар санъат усталаридан асло қолишмайдиган истеъдод эгаси эканига, меҳмонлар турли миллат халқларининг улар ижросидаги кўшиқ ва рақсларини завқ билан олқишлаганликларига гувоҳ бўлдик. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида қўшиқчилик санъатимиз ўзининг янги поғонасига кўтарилди. Ёшларимиз учун маънавият кўзгуси сифатида хизмат қилиши лозим бўлган бугунги қўшиқчилик санъатимиз хусусида нималар дея оласиз?

— Кун сайин ўзгаришлар содир бўлаётган паллада яшаяпмиз. Ҳар тарафдан юртимизга кириб келаётган турфа хил мусиқий маҳсулотларнинг айримлари санъат асари сифатида маънавий озуқа улашаяпти. Аммо улар орасида ёшларимизни тўғри йўлдан чалғитаётгани ҳам борлигини рад этиб бўлмайди. Шу боис биз — санъат аҳли бугун зиммамизга аввалгидан ҳам кўпроқ маъсулият юкланганини ҳис этишимиз даркор. Мен санъатимиз жонкуярларини — театр, кино, телевидение, қўшиқчилик соҳаси вакилларини, йўлларда ўрнатилган "светофор"ларга ўхшатгим келади. Санъаткорнинг қалб чироғи ҳамиша ёниб туриши лозим, деб биламан. Ҳозир ёшлар орасида, "Санъаткорга иқтидор муҳим, шахсий феъл-атвор хусусиятларининг аҳамияти оз", — дейдиганлари ҳам бор. Мен кўпчиликнинг эътиборида бўладиган ижод кишиларида қобилият ва шахсият ўзаро уйғунлашган бўлишининг тарафдориман. Чунки табиатан комилликка интилмай туриб, халққа манзур қўшиқлар куйлашнинг иложи йўқ. Халқимизда шундай ривоят бор: табиб истеъмол қилган асалининг таъсири ўз вужудидан батамом чиқмагунча, ширинлик кўп ейдиган беморни даволашга киришмайди. Чунки у ўз жисмида асал бўла туриб, ширинлик истеъмол қилма, деган насиҳатининг бемаънилигини тушунади.

Бугун замонавий техника тараққиёти барча соҳаларда бўлганидек, қўшиқчиликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Чолғу асбобларимизнинг товушларини кучайтирадиган хилма-хил электр мосламаларнинг яратилиши соҳамизда кескин ўзгариш ясади. Улар қўшиқларимизга безак бермоқда. Дунё қўшиқчилигида кузатилаётганидек, бизнинг хонандачилигимизда ҳам мусиқий жўрнавозликни кучайтириш анъанаси пайдо бўлди. Уни мутахассислар, тингловчилар, санъаткорлар яхши қабул қилди. Чунки мусиқий жўрнавозликни кучайтириш орқали қўшиқ таъсирчанлигини орттириш мумкин. Масалан, мен бундан бир неча йил илгари куйлаган "Қошинг қароси бало", "Уйғон, қизим", "Ватан ишқи" сингари баъзи қўшиқларимни янги оркестр жўрнавозлигида қайта яратдим. Улар ҳозир телевидение ва радио орқали эфирга берилмоқда, томошабинлар яхши қабул қилмоқда. Ҳатто мақом ижрочилигида ҳам электрон мосламаларни меъёрида қўллаш мумкин. Бироқ бунда асрлардан буён сақланаётган мусиқий анъаналаримизга путур етказилмаслиги, яратилаётган асар устозларнинг ижроларидан паст даражада бўлмаслиги керак. Кўринадики, электрон мосламалар ёрдамида мусиқий жўрнавозликни оширишда меъёр ва ўлчовларга риоя этилмаса, яхши натижа бермаслиги аниқ. Айрим ёш хонандалар ана шундай замонавий техник воситалар ёрдамида овозларини кучайтиришга уринмоқда.

Мен бир нарсага хурсанд бўламан: халқимиз — ниҳоятда зукко, санъатсевар. Тинглаётган қўшиқларининг қадр-қимматини яхши англайди. Саёз қўшиқлар кўпга бормайди. Мен қўшиқчилик орқасидан бизнес қилаётганлар хусусида гапиришни ортиқча деб биламан. Бундай "иқтидор эгалари" ҳамма замонларда ҳам бўлган. Имкониятларимиз кенгаяётган бугунги кунда ундайларнинг кўпайиши табиий.

— Кейинги йилларда ёш қўшиқчилар томонидан реп, поп, хип-хоп, аремби сингари янги қўшиқчиликнинг турлари пайдо бўлди. Санъатнинг бу каби янги кўринишларига муносабатингиз қандай?

— Ёшларимизнинг айримлари Ғарбнинг сиз санаб ўтган янги қўшиқ турларига қизиқмоқда. Ушбу санъат турлари билан шуғулланаётганларнинг ижодларини кузатиб бораман. Назаримда, ёш санъаткорларимиз ғарб қўшиқ-клипларига миллий руҳ ва тус беришда қийналишмоқда. Замонавий санъат турлари дейилаётган миллийликдан холи қўшиқлар ёшларни чалғитади. Масалан, Радиус 21 тахаллуси билан куйловчи хонанданинг "Драма" реп-клипи ҳар ҳолда яхши чиққан. Ижрочи ва клип режиссёри дунёда ҳамма нарсани пулга чақувчи қиз фожиасини очишга ҳаракат қилган. Қўшиқнинг мусиқаси яхши. Бадиий композицияда миллий руҳ бор. Аммо матндаги "истерика", "паника" деган рус сўзларининг учраши тингловчининг ғашига тегади. Ҳар қанча гўзал санъат асари муаллифдан саводхонликни ва матонатни талаб этади. Бу борада шошма-шошарлик унга панд бериши мумкин. Шуни эътиборга олиш лозимки, ҳозир кенг жамоатчиликни ўйлантираётган "оммавий маданият" турмушимизга ғарб санъати орқали кираяпти. Шу боис бу санъат турлари билан шуғулланаётганлардан ўта ҳушёрлик талаб этилади.

— Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти сифатида ёшларимиз маънавияти билан боғлиқ қандай ўй-мулоҳазаларингиз бор?

— Халқимиз орасида иқтидор эгалари кўп. Мен ҳамиша санъаткорларимизнинг ўзга халқларининг қўшиқларини маромида ижро этишига қойил қоламан. Ваҳоланки, бошқа миллат ижрочилари ўзбек қўшиқларини биз айтган даражада куйлай олмайди.

Мен Ўзбекистон Давлат консерваториясининг анъанавий хонандалик кафедрасида дарс бераман. Кузатувларимдан келиб чиқиб айта оламанки, ёшларимизда уқув кучли. Уларда санъатнинг нозик сир-синоатларини илғашга, идрок этишга лаёқат бор. Уларнинг ижодий изланишларида давримизга хос жадалликни кўраман. Мана, сиз юқорида тилга олган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити иштирокчиларига бағишланган концертда энг сара куйқўшиқларни бизнинг олий ўқув юртимиз битирувчилари намойиш этди. Ушбу ютуқлар заҳматкаш устоз-ўқитувчиларимизнинг, ҳам меҳнатлари самарасидир.

Мен айримларнинг бугун ёшларда оқибат қолмади, улар беандиша, одобсиз, деган фикрларига қўшилмайман. Ҳозирги ёшларни бизнинг давр ёшлари билан қиёслаганда, фарқ катта. Бугуннинг ёшлари ўткир зеҳнли, билағон, мулоҳазали.

Шундай бўлиши керак ҳам. Жамият ривожланган сари одамларнинг табиати, шахсий хусусиятлари ҳам ўзгариб, фаоллашади. Уларда тезкор даврга ҳамоҳанг ижтимоий-сиёсий мослашиш, теварак-атрофга соғлом, ҳушёр ва уйғоқ нигоҳ билан қараш кўникмалари ортаверади.

Мамлакат НОРМУРОДОВА суҳбатлашди.

Мана, бир неча кундирки, Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати миллионлаб футбол ихлосмандларининг ўй-хаёлини ўзига тортди, миллиардлаб футболсеварларни телевизор қаршисига «михлаб» қўйди. Футбол ичида ва футбол атрофида рўй бераётган воқеалар бугун шу қадар қизғин кечмоқдаки, ҳозир бутун дунё шу ҳақида гапирмоқда, ўйламоқда.

ФУТБОЛ ичида атрофида

Даставвал, жаҳон чемпиони бўлишга асосий даъвогар деб эътироф этилаётган Бразилия, Испания, Аргентина жамоалари ва уларнинг мураббийлари аёвсиз танқид остига олинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мундиалга Рональдинио ва Пато сингари жаҳон юлдузларисиз ташриф буюрган Бразилия гуруҳ аутсайдери Шимолий Корея футболчиларидан зўрға 2-1 ҳисобида устун келгани мухлисларнинг норозилигига сабаб бўлди. Жамоа мураббийи Дунгани танқид қилмаган одам қолмади ҳисоб. Чунки чемпионатнинг энг қимматбаҳо ўйинчиси бўлган Лионель Месси (трансфери 80 миллион долларга баҳоланмоқда)нинг бир ўзи бутун бошли Корея Халқ Республикаси ўйинчиларидан 8 баробар қиммат туради. Бу факт ҳам Осиё вакилининг Бразилиядан йирик ҳисобда мағлубиятга учраши кераклигини англатарди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади.

Испанияни Европа чемпионига айлантирган Луис Арагонес собиқ шогирдлари илк учрашувдаёқ Швейцарияга 0-1 ҳисобида ютқазиб қўйгач, ҳозирги мураббий Висенте Дель Боскени ўйинни ташкил эта олмаганликда айблади.

Футбол қироли Пеле эса яқинда Аргентина жамоаси мураббийи Диего Марадона ҳақида гапира туриб, "у терма жамоага ўзининг моддий аҳволини ўнглаш учун келган", — деган фикр билдирди. Анчайин тегма нозик

бўлиб қолган Марадона ҳам гап-сўзни чувалатиб ўтирмади. Бир оғизгина қилиб, "Пелени музейга қўйиш керак", — деб қўя қолди, холос.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча ЖАР майдонларида ўтаётган жаҳон чемпионатининг "энг эътиборли кишиси" бўлиб турган Диего сал аввал ўзи ҳақида салбий фикр билдирган Мишель Платинини ҳам аччиқ гаплари билан "сийлаганди".

Ҳозирга келиб, мундиал қизғин паллага кирди десак, янглишмаймиз. Негаки, жаҳон чемпионатининг гуруҳ баҳслари ниҳоясига етди. Энди бундан буёғига жамоаларни фақат ғалаба қониқтиради, холос. Учинчи турдан сўнг кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритган жамоалар аниқ бўлиб улгурди:

«А» ГУРУҲИ. Ўтган мундиалнинг вице чемпиони Франция терма жамоаси 3-тур ўйинини мезбонлар — ЖАР футболчиларига шармандали тарзда бой бериб, уйларига қайтиб кетишгани катта шов-шувларга сабаб бўлди. Баъзилар фаранглар мураббийи Раймон Доменекни асли келиб чиқиши африкалик бўлган Карим Бензема ва Самир Насри каби моҳир ўйинчиларни терма жамоага жалб этмагани учун маҳаллийчиликда айблашди. Баъзилар эса бу ҳолни Ирландиянинг ноҳақлик билан "доғда" қолдирилгани билан изоҳлашди. Сабаби француялик Тери Анрининг қўли билан тўп ошириб бергани оқибатида Галлас киритган тўп Ирландияни мундиалдан маҳрум қилганди.

Франция иккинчи турда Мексикадан қақшатқич мағлубиятга учрагач, жамоада ички низолар урчиганданурчиди. Ҳужумчи Николя Анелка ватанига қайтариб юборилди. Бошқа ўйинчилар эса машғулот ўтказишдан бош тортишди. Охир-оқибат бу воқеаларга Франция Президенти ҳам аралашишга мажбур бўлди. Аммо... юқорида таъкидлаганимиздек, Франция мезбонларга ҳам 1-2 ҳисобида имкониятни бой бергач, Раймон Доминек четлатилиб, Лоран Блан унинг ўрнига бош мураббий этиб тайинланди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Мексика ва Уругвай терма жамоалари муносабатларга ойдинлик киритиб олишди. Ўйин тақдирини уругвайлик Луис Суаресннинг 43-дақиқадаги йўллаган ягона голи ҳал қилди. Шу тариқа Уругвай 7 очко, Мексика 4 очко билан нимчорак финалга йўл олди.

«В» ГУРУҲИ. Грекция жамоаси дарвозасига 77-дақиқада Мартин Демикелис ва 89-дақиқада Мартин Палермонинг киритган голи Аргентинанинг 2:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Марадона шогирдлари чемпионлик сари яна бир қадам ташлади. Жанубий Корея терма жамоаси Нигерия билан дуранг (2:2) ўйнаб, нимчорак финалга йўл олди. Навбатдаги босқичда Аргентина Мексика билан Жанубий Корея эса Уругвай билан ўзаро ҳисобкитоб қилишади.

«С» ГУРУҲИ. АҚШ ва Жазоир учрашувида ҳисобни очиш 90 дақиқа давомида икки жамоа вакилларига ҳам насиб этмади. Аммо асосий вақтга қўшиб берилган 1-дақиқада америкалик ҳужумчи Лендон Донован катта саҳнага чиқди. Унинг киритган голи терма жамоасига нимчорак финал йўлланмасини тақдим этди. Шу гуруҳдаги Англия — Словения учрашувининг 23-дақиқасида Жермейн Дефо киритган ягона гол футбол ватани вакилларига нимчорак финални накд қилди.

«D» ГУРУҲИ. Гарчи учинчи турда Гана жамоаси Германияга 0-1 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсада, Австралиянинг Сербияни доғда қолдириши Африка вакилига нимчорак ўйинга йўлланмани тақдим этди. Германия эса 6 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Энди улар нимчоракда Англия билан тўқнаш келишади. Гана эса АҚШ билан беллашиб кўради.

«F» ГУРУҲИ. Жаҳон чемпионатининг энг кутилмаган воқеаси айнан шу гуруҳда содир бўлди. Собиқ жаҳон чемпионлари бўлмиш Мовий гвардиячилар гуруҳ босқичидаёқ фаолиятларига якун ясаб қўя қолишди. Йоханнесбург шаҳридаги «Эллис парк» ўйингоҳида Словакия ва Италия терма жамоалари майдонга тушишди. Учрашув 3:2 ҳисобида Словакиянинг ғалабаси билан якун топди. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Парагвай ва Янги Зеландия терма жамоалари тўқнашдилар. Ўйинда ҳисоб очилмади — (0:0) Энг қизиғи, Янги Зеландия жамоаси бирор ўйинда ҳам мағлубиятга учрамай уйига қайтди. Шундай қилиб, мазкур гуруҳдан Парагвай 5 очко ва Словакия 4 очко билан нимчорак финалга йўл олишди.

«E» ГУРУҲИ. Камерун ва Голландия терма жамоалари ўртасида кечган баҳсда учар голландлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Иккинчи учрашувда эса Япония ва Дания терма жамоалари рўбарў келиб, Хонда, Эндо ва Оказакиларнинг 3 голига Дания ҳужумчиси Йон Даль Томассон 1 голи билан жавоб берди. Шу тариқа бу гуруҳдан Голландия 9 очко ва Япония 6 очко билан нимчоракка йўл олди. Кейинги босқичда Голландия билан Словакия, Парагвай эса Япония билан тўқнаш келади.

«G» ГУРУҲИ. Бразилия жамоаси гарчи сал аввалроқ кейинги босқичга йўлланмани накд қилиб қўйган бўлсада, ким гуруҳ пешқадами бўлиши сўроқ остида турганди. Тўғри, назарий жиҳатдан Кот-д'ивуар жамоасида ҳам кейинги босқичга чиқиш имконияти мавжуд эди. Фақат улар Корея Халқ Демократик республикасини жуда катта ҳисобда ютишлари, Португалия эса мағлубиятга учраши талаб этиларди. Аммо сўнгги турда Кот-д'ивуар қитъадошларимиздан 3:0 ҳисобида устун келди. Бразилия ва Португалия жамоалари нурсиз дурангга имзо чекишди ва кейинги босқичга йўл олишди. Бу икки жамоа ним чорак финалда «H» гуруҳида дастлабки икки ўринни банд этган жамоаларга қарши майдонга чиқишади.

«H» гуруҳи. Мазкур гуруҳдаги Испания — Чили ва Гондурас — Швейцария учрашувлари кеча бўлиб ўтди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Хоразм вилояти Қоровул филиали жамоаси

юртимизнинг барча ОАВ ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлайди ҳамда келгуси ижодига баркамоллик тилайди.



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 14158 Буюртма — Г-526 1 2 3 5